

## XX АСРНИНГ 70-80- ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПЛАКАТ САНЪАТИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хусаинов Носирдjon Туйчиевич**

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институт

"Миниатюра ва китоб графиками" кафедами доцент

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Плакат” санъати, унинг тасвирий санъатда тутган ўрни, жамиятдаги муаммоларни кўрсатиб бериш орқали инсонларни онгини таъсир этишда муҳим бўлган экани ёритиб берилган. Ўзбекистонда 1970-90 йиллар оралиғида плакат санъат тури билан фаол шуғулланган ва дунёда ўз ўрнига эга график рассом Ф.А.Кагаров ижоди ҳақида батафсил тўхталинган. Унинг кенг оммага мўлжалланган таъсирчан “тинчлик”, “боларни химояси”, “экология муммолари” каби мавзулардаги ишлаган асарлари ҳақида батафсил тўхталинган.

**Калим сўзлар:** Ўзбекистон, плакат, графика, композиция, глобал, тинчлик, экология.

### **Artistic features of the poster art of Uzbekistan in the 70-80s of the XX century**

**Khusainov Nosirdjon Tuychievich**

National Institute of Art and Design named after Kamoliddin Behzod,

Department of Miniature and Book Graphics, Associate Professor

**Annotation:** This article highlights the art of the poster, its place in the visual arts and its importance in influencing people's minds by highlighting issues in society. The work of F. A. Kagarov, a graphic artist who actively worked in the field of poster art in Uzbekistan from 1970 to 1990 and is of world importance, is described in detail. His writings on such influential themes as "peace", "child protection" and "environmental issues" are discussed in detail. suspended.

**Key words:** Uzbekistan, poster, graphics, composition, global, world, ecology.

## **Художественные особенности плакатного искусства Узбекистана 70-80-х годов XX века**

**Аннотация:** В этой статье освещается искусство плаката, его место в изобразительном искусстве и его важность в воздействии на умы людей путем освещения проблем в обществе. Подробно описано творчество Ф. А. Кагарова, художника-графика, активно работавшего в области плакатного искусства в Узбекистане с 1970 по 1990 годы и имеющего мировое значение. Подробно обсуждаются его работы на такие влиятельные темы, как «мир», «защита детей» и «вопросы окружающей среды». приостановленный.

**Ключевые слова:** Узбекистан, плакат, графика, композиция, глобальный, мир, экология.

### **XX асрнинг 70-80- йилларида Ўзбекистонда плакат санъатининг бадий хусусиятлари.**

XIX аср иккинчи ярмидан Ғарбий Европада реклама кўринишидаги плакат юзага келган. Бунгача катта ҳажмдаги ташвиқий гравюра баъзан плакат деб аталган. Плакат. ижтимоий- сиёсий ҳаёт, халқ хўжалиги, маданий вазибалар блан боғлиқ холда ривожланди. XX асрда плакат ташвиқотнинг жанговар қуролига айланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўта таъсирчан воситага айланган бўлса, ҳозирги кунда тинчлик учун курашда, жамият ҳаётида учраб турадиган камчиликлар ва турлий ёмон иллатларни бартараф этиш муҳим роль ўйнамоқда.

Совет плакат жанри бир неча давирларга бўлиб ўрганилган:

- 1918-1922: Фуқаролар Уруши .
- 1941-1945: Буюк Ватан уруши совет плакатлари.
- 1946-1953: урушдан кейинги вақт.
- 1965-1985: турғунлик .
- 1986-1991: қайта қуриш. [ 3.4. ]

Плакат<sup>1</sup> Одатда у тасвир ва унинг мазмунини ёритувчи қисқа матндан иборат бўлади ва кундалик ҳаётдаги энг долзарб мавзуларга бағишланиб ишланади. Плакат графиканинг тасвирий усуллардан бўлиб, баъзан эса фото-суратлардан фойдаланади, мавзуга қараб оқ-қора ёки турли рангларда ишланиб, томошабин диққатини ўзига торта оладиган даражада бажарилгандагина плакат ўз вазифасини адо этган бўлади, ва уни энг кўп одамлар гавжум бўлган кўчаларга, жамоат биноларига осиб қўйилади.

Тасвирий санъат турлари ичида энг оммавийси бўлгани учун плакатдан ташвиқот ва тижорат реклама ишларида кенг фойдаланилади. Бундан ташқари ундан йўриқнома ва ахборот воситалари сифатида фойдаланиш мумкин. Плакат санъатининг асосий хусусияти унда тасвир билан бирга қисқа матнлар ҳам фаол иштирок этади. Шу жиҳатдан плакатни кўйидаги соҳаларга ажратиш мумкин:

- сиёсий ташвиқот.
- тижорат-савдо, маиший, маданий оқартув, цирк, театр, кино кўргазма ва бошқалар.
- техника хавфсизлиги, йўриқнома, диаграмма, кўрсатмалар, афишалар, эълонлар ва бошқалар.

Турлий мавзуларга бағишланган плакатлар, ҳар - ҳил байрам тадбирлари, тантаналар, монография, турли кўргазмалар, кўриқлар, учрашувларга бағишланган мавзуларга плакат ишлаш мумкин. Жамиятда учрайдиган баъзи салбий ҳодисаларни – иллатлар ва кўринишларни кулгу остига оладиган плакатлар ишланади. Ҳар бир ташвиқот, эълон мазмунидаги плакатда ўзига муносиб мазмунни ифодаладиган шакли композицияси бўлади. Шунинг учун қисқача композиция ҳақида тушунча беришга тўғри келди.[2.2.б. ]

Ўзбекистонда мустақилликдан олдин барча плакат асарлари қўлда бажарилган бўлса, ахборот технологиясининг ривожланиши, полиграфия

---

<sup>1</sup> Плакат - (французча эълон)-кўргазмали ташвиқот мақсадларига хизмат қиладиган тасвирий санъат туридир.

ишларининг янгиликларини ҳамда ҳаётга кенг қўламда ком- www.ziyouz.com кутубхонаси 248 пьютер графикасининг кириб келиши плакатнинг янги имкониятларини излашни талаб қилади.

Ўзбекистонда плакат XX асрнинг 20-йилларидан кенг тарқалди. Дастлабки йилларда асосан қўлда ишланган ва кўпайтирилган плакат ва ҳажвий расмлар кенг қўлланилган. Босма плакат 1923— 24-йиллардан чоп этила бошланди. Уста Наби Ҳафизов, М.Курзин, В.Уфимцев, В. Кайдалов ва бошқалар самарали ижод қилди. 60— 80-й.ларда А.Балканов, В.М.Громико, В.Евченко, Т.Ткачев Ф.Кагаров, ва бошқа рассомларнинг тинчлик, ахлоқ, иқтисод, маданий маърифий мавзулардаги асарлари яратилди. [ Ўз.Э.247.б ]

XX - аср 70- 90 йилларда Ўзбек плакат санъатини дунёга танитган рассом Кагаров Фарух Абдуллаевич (1937—2001.Тошкент) плакатчи, график рассом, 1959 йил Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг бадиий графика факультетини тугатган. Ф.Кагаров асосан, сиёсий плакат, китоб беаги ва ҳажвий жарналларда ижод қилди. Унинг ижодида тинчлик мавзуси етакчи ўрин тутади; ҳажвий асарлари «Муштум» журналида босилиб чиққан.

1986 йилдан «Муштум» журналини. таҳрир ҳайъати аъзоси, 1965-1986 йилларида Ўзбекистон рассомлар уюшмаси қошидаги Плакатчилар секцияси раиси лавозимида фолият олиб борган. Ф.Кагаров Ўзбекистон халқ рассоми(1989), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати(1990) бўлган. 1993-йилдан бошлаб манзарали рангтасвир билан шуғулланган. 2001.21 январда 64 ёшида вафот этди. Ф.А.Кагаров ўз ижодий фаолияти даврида яратган плакатлари рассомни нафақат республика, балким бутун дунёга машхур қилган.

Ф. А. Кагаров дунёда бўлаётган сиёсий муаммолар ҳажмини ўзгартиришга бағишланган кўплаб плакатлар яратди-тинчлик учун кураш, курул-яроқ пойгасига қарши курашишга бағишланган кўплаб плакат асарлари ишлади: жумладан, (1978 йилда) "Америка озодлиги"(1978),



*"Америка озодлиги"(1978),*

"Тинчлик. дўстлик", "Қуролланишга йўл йўқ" каби асарлари катта шухрат қозонган. 1968 йил унча маълум бўлмаган "Болаларни асрайлик" деб номланган асари БМТ томонидан болалар жамғармаси эмблемаси сифатида тасдиқланган. Унинг А. Балканов билан ҳамкорликда, "Дунё болларига тинчлик! Дўстлик. Бахт"(1980), "Дунё болаларига қуёшли кун!"(1982), "Тинчлик учун кураш" (1983) плакат асарлари ишланди.



*Биз – тоза осмонини иштаймиз. (1973)*

*Мир(1974)*

1983йил 4-халқаро сатира кўргазмасида қатнашган. Унинг "Америка озодлиги" асари 1985 йилдаги "Плакат" нашриётида нашр этилган ўн биринчи альбомига киритилган. [ 5.]

Ф. А. Кагаровнинг ўша йилларда яратилган асарларида ортиқча деталлардан ҳоли бўлганлиги ва умумий яхлитликка эришилди. Унинг ишлари ўша пайитдаёқ ўзига ҳос аниқ кўринишга эгаллиги, асардаги барча қисмлари минимализм кўринишга эришиб бўлинган эди. Рассомнинг жуда

кўп сиёсий плакатлари оддийлиги, яхлитлиги билан ўз услуби, ташқи кўринишга эгаллиги туфайли ўзгача қизиқиш уйғотарди.



*Йўқ-қурол пойгаси.(1978)*

*Табиат сизнинг*

*ўйингиз, унгдамхўрлик қилинг!(1977)*

“Сиёсат - давлатни бошқариш санъатидир”. Сиёсат турли ижтимоий-сиёсий, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ. Унинг моҳиятини давлат қонунияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқаришни ташкил этади. Сиёсат кенг маънода жамиятнинг сиёсий жихатдан тузилиши, сиёсий ҳаёт, давлат қонунияти, унинг ички ва ташқи фаолияти, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг ҳокимиятга муносабати, уни бошқаришда



сиёсий манфатларни амалга оширишнинг устивор йўналишларини ўзида ифода этади. Шунга кўра адолатли ва адлатсиз, холис ва нохолис, инсонпарвар ёки инсон манфатларига зид сиёсат, демократик ва диктатура кўринишларидаги сиёсий бошқарувини кузатиш мумкин. Сиёсат ўз тасир этиш объектига кўра 2 га: ички ва ташқи сиёсатга бўлинади. Сиёсат ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаёти соҳалари; иқтисодий, ижтимоий, миллий, имий-техникавий, экология, маданият, харбий ва бошқа соҳаларни камраб олади. [2.75.б.]

Ф. А. Кагаров ижодий фаолияти давомида "тинчлик учун курашга" бағишланган кўплаб Бутуниттифок, республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, кўплаб мукофотлар, энг юқори совринлар, медаллар ва дипломлар билан тақдирланган. У В.И.Евченко, Б.С.Жуков, Д.И.Махотин, Д. Д.Синицкий ва бошқа рассомлар билан бир вақтда ижод қилди. Ўзбекистонда плакат санъатнинг ривожланиши ва шаклланишига салмоқли ҳисса қўшди.

Рассом плакат санъатига аллақачон институтда ўқиб юрган чоғдаёқ қизиқа бошлаган. Институтни тугатгандан сўнг, "жанговор қалам" уюшмасида ва сатирик журнал "Муштум" билан ижодий аблоқа қилиб, кўплаб хажвий санъат асарлари яратган.

Сатира<sup>2</sup> комиклик тури, тасвир объектини аёвсиз кулги воситаси орқали англаш. Воқеъликнинг бадиий акс эттиришнинг ўзига хос усули бўлиб, унда жамиятдаги бемани, асоссиз нотўғри ҳодисалар, иллатларни фош қилинади. Сатиранинг маънавиятга таъсир кучининг ўтказилиши унда инкор қилувчи кулги орқали яратилган идеалнинг умумхалқ ва унверсал бўлиши билан белгиланади. Сатиранинг эстетик вазифаси тубанлик, нодонлик ва бошқа ижтимоий иллатларга қарама-қарши тарзда кишиларда юксак инсоний туйғуларни уйғотиш ва қайта тиклашдан иборат. [ 2.49.б. ]

Рассом ҳар доим асосий ғояни содда, ихчам бадиий воситалар билан ифода этиш, унинг ахлоқий томонини томошабинга етказиш қобилияти билан ажралиб турарди.Ф.А. Кагаровнинг аксарият плакатлари ҳеч қандай

тушунтиришларсиз ва ортиқча шарҳларга муҳтожлик керак эмас эди, улар шунчалик "эмоционал" хиссиёт жиҳатдан бойитилган бўлиб ва "лаконичный" ихчам кўринишга эгаллиги билан ажралиб турарди.

Ф.А. Кагаров бадиий ижоддан ташқари 1980 йилдан А.Н. Островский номидаги Тошкент Театр ва Рассолик институтида рассомлик факультети графика кафедраси ўша пайтда махсус плакат бўлимидаги талабалар учун плакат фанидан дарс бериб, кўплаб миллий плакатчи рассомларни тарбиялашда ўзини кўп йиллик тажриба ва малакасини ёш плакатчи мусавирлар авлод тарбиясига улкан ҳисса қўшди:

Н.Т. Ҳусанов, П.П. Овчинников, А. Бахромов ва бошқалар унинг шогирдлари ҳозирда бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетган, улар устозидан ўрганган билим ва маҳоратлари билан ижод қилиб келмоқдалар.

Сатира<sup>5</sup> (лотинча *satira* – қураман ҳар ҳил нарса) комиклик тури.

Ф.А. Кагаров 1978 -1998 йилларда унинг ижодини энг гуллаган даври бўлган, чунки ўша даврда у яратган плакат асарларини республика, иттифоқ ва бутун дунёда танг олиниб, кўплаб энг юқори соврун ва мукофотларга сазовар бўлган, Ўша даврларда плакат санъатига жуда катта эътибор берилган бўлиб, кўплаб кўрик ва турли мавзуларда танловлар ташкил этиларди. Шунчалик тиғиз давр эдики кетма- кет кўрик ва танловлар жадвали ташкил этилганди. Уларнинг барчасида қатнашиб совриндор бўлган рассом Ўзбекистонни бутун дунёга ўзини ажойиб ўзига ҳос плакат асарлари билан биринчи бўлиб танитган мусавирлардан биридир. У яратган плакат асарларини энг кўзга кўринган рассомлар ва санъатшунослар орасида эътироф этилиб, танг олинишини сабаби, у бошқаларга ўхшамаган ҳолда ижододий услубига эгаллиги, хаддан зиёд меҳнатсеварлиги, ўта камтарлиги, ҳамкасбдошлари орасида обрў ва мартабаси жуда баланд бўлгани учун, нуфузлий иттифоқ ва халқаро кўрик ва танловларда хайат аъзоси ва раиси сифатида Ўзбекистон номидан иштирок этар эди.

Машҳур рассом ижодий фаолияти давомида у кўплаб халқаро ва республика мукофотлари, медаллар ва дипломлар билан тақдирланган,



шунингдек, "Ўзбекистон Халқ рассоми"фахрий унвонига ва "Хамза" номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган. Устоз асарларининг турли танлов ва кўргазмалардаги муваффақияти ушбу рассомни, шубҳасиз, плакат графика санъатини ривожлантириш ва шакллантиришда ўзини ижодий ишлари билан улкан ҳисса қўшганлигидан далолат бериб турибди.

Ф.А. Кагаровнинг кўплаб асарлари нафақат унинг юксак маҳоратидан, балки ғайриоддий сатирик истеъдодидан, замон талабларини аниқ тасвирлаш қобилиятидан ҳам далолат беради. Унинг плакатлари юксак ақл билан, бажариш услубини соддалиги туфайли, энг одди томошабинга ҳам тушинарлиги, "оригинал" ўзига хос фантастик кўринишда ўйлаб топилганлиги, ранглардан максимал даражада унумли фойдаланганлиги билан ажралиб туради.

Ф.А. Кагаровнинг турлий жанр расмлари ўз услубида плакат графикаларига ўхшаш бўлса-да, аммо бу ўхшашлик фақат ташқи кўринишга эга. Унинг расмларида, плакат асарларда бўлгани каби тасвирни умумлаштириш максимал даражада қисқартириш эмас, аксинча, унинг белгиларининг энг ажойиб индивидуал хусусиятларини ва уларнинг кайфиятини кичик нюансларигачан етказишга интилган. Асардаги тафсилотларга жуда катта эътибор қаратилган. Истеъдодли график рассом, инсон мавжудлигининг қонунларини сиртда эмас, балки ҳодисалар тубида кашф этувчи лўнда ва диққатли мусаввир ўзининг барча асарларида ўткинчи эмас, балки абадийликни акс эттиришга интилди. Ва шунинг учун унинг асарлари ҳар доим долзарб бўлиб қолади. Ўз аҳамиятига кўра, устоз қолдирган барча нарсалар халқимизнинг бутун дунёга маълум ва қадрланадиган улкан ахлоқий меросидир...

1991 йил Ўзбекистон мустақиллика эришгандан сўнг плакат санъатига совет идеологияси деб, умуман эътибор бермай қўйди, турли кўрик ва танловлар ҳам ўтказилмади. Институтда графика кафедраси қошида махсус плакат бўлими 1975 йили очилиб, 1992 йилда ёпилди. Рассомлар уюшмаси

кошидаги плакат секцияси фoлияти хам тугатилди, барча плакатчи рассомлар ишсиз буюртмасиз қолди, шу қатори Ф.А. Кагаров хам.

Хар қандай жамиятнинг ўзига хос ички ва ташқи сиёсати бўлади, унинг кенг халқ оммасига йетказишда плакатнинг ўрни беқиёс уни урнини ҳеч бир санъат тури боса олмайди, бунинг учун яхши замон талабига жавоб берадиган мутахасис кадирлар талаб этилади. Бунинг учун итститутда плакат бўлимини қайта очиш лозим.

Ф.А. Кагаров ижодининг сўнги йилларида плакат санъатига эътибор берилмагандан сўнг, рангтасвирнинг манзара жанирида ишлай бошлади. Табиатни образли тасаввур қилишда рассомнинг дунёқарашини қай даражада эканлигини англатади. Унинг тушунчасида табиат –тирикдир.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.Ihdd n. ziyouz.com.
2. Н.Т. Хусанов. Плакат / Ўқув қўллама. - Тошкент, 2022.
3. <https://www.learnrussianineu.com/ru/sovetskie-plakati-chast-1-obshhestvo-politika>. Советский плакаты. Часть 1.
4. Демосфенко Г. А. Советский политический плакат. - М.: Искусство,1985.
5. <https://tramvaiiskusstv.ru/plakat/spisok-khudozhnikov/item/1732-kagarov-faruk-abdullaevich-1937-g.html>